

Маъруза

Мавзу-6:

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА
ЗАРАРЛИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРДАН
ҲИМОЯЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ**

Режа:

- Ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келадиган заарали омиллар ва уларнинг гурӯҳланиши.
- Юзага келадиган заарали омиллардан ҳимояланиш тадбирлари.

Ишлаб чиқаришда юзага келадиган заарли омиллар

- Сув ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жуда кўп технологик жараёнлар ва ишлар инсон соғлигига заарли таъсир кўрсатувчи омилларнинг юзага келиши билан кечади.
- Бу заарли омиллар органик ва анорганик моддалар чанги, ортиқча намлик ва иссиқлик, газ, буғ, аэрозоль шовқин, титраш, нурланишлар ва ҳ.к. кўринишида бўлиши мумкин.
- Масалан, сув ва қишлоқ хўжалиги қурилишида, тупроқ ишларида ва бошқа жуда кўп ишларни бажариш чоғида кўп миқдорда минерал ва органик чанг ҳосил бўлади.
- Газ ва буғ эса аккумуляторни таъмирлаш ва зарядлаш, темирчилик, электр ва газ пайвандлашда, гальваник тиклаш, ювиш ва бўёқчилик хоналарида юзага келиши мумкин.

Заарали омилларни гурухлаш

- Физик омиллар;
- Кимёвий омиллар;
- Биологик омиллар;
- Рұхий-физиологик омиллар.

Хар битта омиллар гурухига мисоллар келтириңг


ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИДА ОМИЛЛАРНИ ГУРУҲЛАНГ

Зарарли моддаларнинг ҳаво таркибидаги миқдорини меъёrlаш

- Зарарли моддаларнинг инсон ҳаётига ва соғлигига зарарли таъсирини бартараф қилиш учун уларнинг ҳаводаги концентрацияси, яъни 1 m^3 ҳаво таркибидаги массаси (миллиграммда) ГОСТ 12.1.005-88 СН 4088-86 томонидан меъёrlанади.
- Бу меъёrlар зарарли омилнинг ҳаводаги энг юқори йўл қўйиладиган концентрациялари (ЭЮК) деб аталади.
- Ҳозирги вақтда деярли 1300 та модда учун ЭЮК ишлаб чиқилган.

- Сув хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иш ўринларида ва хоналарида заарли омиллар юзага келишини бутунлай бартараф Қилиш ҳозирги вактда техник ва иқтисодий жиҳатдан амалга ошириб бўлмайдиган вазифадир.
- Шу сабабли заарли омилларнинг концентрациясини ва микроиклим кўрсаткичларини иш ўринларида Ҳамда хоналарида меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида ушлаб туриш учун, яъни ишловчиларни улардан Ҳимоя Қилиш мақсадида, турли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.
- Техник ва иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш осонроқ бўлган тадбир бу - ишлаб чиқариш хонасининг ифлосланган ҳавосини ташқи тоза ҳаво билан алмаштириб туришdir.
- Бу иш **табиий (аэрация) ва сунъий (механик) ҳаво алмаштириш** Курилмалари ёрдамида амалга оширилади.

Физик омилларнинг кластериини тузинг



Назорат саволлари

- 1. Ишлаб чиқаришда қанақа заарли омиллар юзага келади?**
- 2. Заарли омиллар қанақа гуруҳланади?**
- 3. Ишлаб чиқариш хонаси ҳавосини заарловчи омилларнинг қанақа турларини биласиз?**
- 4. Заарли омиллардан ҳимояланишнинг қанақа усуллари мавжуд?**
- 5. Ишлаб чиқариш хонаси ҳавосини заарловчи омиллардан муҳофазаланишнинг қанақа усуллари мавжуд?**
- 6. Физик омилларга нималар киради?**
- 7. Кимёвий омилларга нималар киради?**
- 8. Биологик омилларга нималар киради?**
- 9. Рухий-физиологик омилларга нималар киради?**

Эътиборингиз учун раҳмат!